



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ


Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqlidir.



Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyqa - الماتريدية - Матуридизм



3/2024

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича  
қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги  
03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Тахририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.org

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47



## МУНДАРИЖА

### ИСЛОМШУНОСЛИК

#### **Qosimjon Sodiqov**

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi ..... 4

#### **Shukrullo Jorayev**

Ханафий мазхабида тинчликнинг кадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари ..... 17

#### **Ikhtiyor Abdurahmonov**

XI-XII asrlarda Movarounnaxrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожи ..... 25

#### **Abdullo Ghulomov**

Махмуд Ломишийнинг «Тамҳид» асарида имон ва унга боғлиқ масалалар баёни ..... 32

#### **Zohidjon Abdullayev**

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

#### **Abdulaziz Yakhshilikov**

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari ..... 47

#### **Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova**

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

### ДИНШУНОСЛИК

#### **Jamshid Aliev**

Сурия моjarосида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 62

#### **Ulugbek Jurayev**

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили ..... 70

### ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

#### **Irodakhon Gafurova**

Scientific research dedicated to the confessions of Turkestan..... 77

#### **Zafar Fakhriddinov**

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи ..... 83

#### **Javohir Azimqulov**

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

#### **Abduvali Pardayev**

Нусайр ибн Яхё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти ..... 97



**Zafar H. FAKHRIDDINOV,**  
*Head of the Department, Imam Maturidi  
International Scientific Research Center.  
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: z.fahriddinov@iiau.uz*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/11

**ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ИСЛОМ  
МАНБАЛАРИ ШАРҲИГА ОИД  
АСАРЛАРИ ТАСНИФИ**

**CLASSIFICATION OF HAKIM  
TIRMIDHI'S WORKS ON THE  
COMMENTARY OF ISLAMIC SOURCES**

**КЛАССИФИКАЦИЯ ПРОИЗВЕДЕНИЙ  
ХАКИМА ТЕРМИЗИ О ТОЛКОВАНИИ  
ИСЛАМСКИХ ИСТОЧНИКОВ**

**КИРИШ**

Бугунги кунда Қуръони каримнинг анъанавий талкин услуби бўлган тафсир ва таъвил илмларини ўрганиш, матн талкинининг назарий асосларини очиб бериш, диний манбалар шарҳида юзага келаётган кўплаб муаммоларнинг олдини олиш зарурати яққол намоён бўлмоқда. Бу борада таъвил услубларининг асосларини яратиб берган Мовароуннаҳр алломаларининг илмий мероси муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) ислом оламида самарали ижод қилган олимлардан бири ҳисобланади. Алломанинг ҳадис, фикҳ, тафсир, ақида, нафс тарбияси, ислом маърифати ва ахлоқи, луғат соҳаларида битган асарлари кўплаб илмий тадқиқотларга асос бўлмоқда. «Будувв аш-шаън» номли автобиографик асарида ўзининг муайян муддат фалакиёт илмлари ва аниқ фанлар билан ҳам шуғулланганини қайд этган Ҳаким Термизийни ўз даврининг комусий олими сифатида эътироф этиш мумкин (Термизий, Ҳ., йил маълум эмас: 28). Шу билан бирга Ҳаким Термизийнинг Қуръон илмлари, шарҳ, тафсир ва таъвил илмларига қўшган ҳиссаси ҳам катта.

Ҳозирги кунда Ҳаким Термизий илмий-маънавий меросини ўрганиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Чунки, аллома асарларининг тадқиқи натижасида янги маълумотлар юзага чиқиб, Ҳаким Термизий ўз

даврида руҳий-маънавий ислоҳотчи мақомида бўлгани, унинг тасаввуфий қарашларининг Мовароуннаҳр тасаввуфи ва тариқатлари тамойиллари шаклланишидаги таъсири яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, нақшбандия тариқати ривожига Ҳаким Термизий қарашлари маҳаллий унсур сифатида мавжудлигини Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи эътироф этган бўлса-да, ҳозирга келиб бу эътироф тадқиқотлар натижасида янада аниқ кўзга ташлана бошлади. Шу кунга қадар алломанинг олтмишта асари етиб келган ҳисобланар эди. Сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида Ҳаким Термизийнинг ҳозирги кунда мавжуд саксонга яқин асари маълум бўлди. Жумладан, юртимиз ёш олимлари саъй-ҳаракати натижасида Туркия қўлёзма фондларидан алломанинг бугунги кунгача етиб келмаган, деб ҳисоблаб келинаётган «Тафсир» асари топилди (Муаллифлар жамоаси, 2018: 138).

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Қайд этиш лозимки, барча ислом олимлари асарларида у ёки бу даражада луғат илмига дахлдор масалалар ҳам учрайди. Тафсирларда Қуръондаги баъзи сўзларнинг изоҳларига кенг ўрин ажратилган, ҳадис тўпламларида ҳам изоҳталаб сўзларни одатда муҳаддисларнинг ўзлари шарҳлаб кетганлар. Ҳаким Термизийнинг Қуръон ва тафсир илмларида тутган ўрни борасида гап кетганда алломанинг барча асарларида ислом манбаларида учрайдиган атамаларга бағишланган изоҳлар кўп учрашини қайд этиб ўтиш лозим. Бу унинг луғатшунос олим сифатида ҳам фаол ва самарали ижод қилганини кўрсатувчи далилдир.

Ҳаким Термизий асарларида, у асар қайси соҳага оид бўлмасин, баҳс юритилаётган мавзунинг луғатларига тўхталиб ўтилишига гувоҳ бўлинади. Бу кейинги даврларда ислом таълимотига оид мумтоз асарларга хос умумий хусусиятга айланди, дейиш мумкин. Араб олими Ражо Хузайян Ҳаким Термизийнинг тилшунослик ва луғат илмига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаб, эътироф этишича, у сўзларнинг илмий тадқиқига ҳам катта ҳисса қўшган ва бу хусусан, «Таҳсил назоир ал-Қуръон» ва «ал-Фуруқ ва ман'у-т-тародуф» асарларида яққол кўзга ташланади (Хузайян, Р., 1998: 35).

Ҳаким Термизийнинг ўзи қайд этишича, йигирма етти ёшида ҳаж қилиб қайтгач, аввал Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, сўнгра турли

**Аннотация.** Мазкур мақола ислом илмларининг буюк алломаси Ҳаким Термизийнинг бой мероси, хусусан, Қуръон ва ҳадислар шарҳига қўйган бебаҳо ҳиссасини атрофлича таҳлил қилади. Ҳаким Термизийнинг асарлари исломий маърифий мероснинг ажралмас қисми сифатида тан олинган ва улардаги тафсири ва таъвилларга бағишланган ишлар Қуръон оятлари ва ҳадисларни чуқурроқ тушуниши учун муҳим манба ҳисобланади. Мақолада Термизийнинг асарларидаги лугатишунослик соҳасидаги таҳлиллари, уларнинг Қуръон тафсиридаги аҳамияти ва араб тилига оид лингвистик шарҳлари ўрганилади.

Шунингдек, мақолада унинг тасаввуф ва фикҳ соҳаларига қўйган ҳиссаси ҳам алоҳида эътиборга олинади. Термизийнинг тасаввуфий қарашлари Ислом маънавияти ва ахлоқий тарбияга оид қимматли маълумотлар беради. Унинг исломий илмларни шакллантиришидаги ўрни, уларнинг замонавий ислом тадқиқотлари учун аҳамияти, методологик ёндашувлари ҳамда исломий анъаналарни сақлашдаги ижобий таъсири таҳлил қилинади. Мақола Термизийнинг диний билимларни бойитиши, уларни янги авлодга етказиши, шунингдек, ислом маданияти ва маърифатига бўлган ҳиссасини янада чуқурроқ англашни мақсад қилиб қўяди.

Унинг тафсиридаги лингвистик услублари, уларнинг сўзларнинг лугавий ва шарҳий маъноларини очиб беришидаги аҳамияти, араб тилининг маданий ва маънавий қадриятларини сақлашдаги роли ҳам атрофлича қўриб чиқилади. Шу билан бирга, мақолада унинг асарларидаги методологик ёндашувлар, исломий илмлар ва тасаввуфнинг ривожига қўйган ҳиссаси ҳамда уларнинг замонавий ислом илмлари учун долзарблиги ўрганилади.

**Калим сўзлар:** Ҳаким Термизий, Қуръон тафсири, ҳадислар шарҳи, ислом манбалари, лугатишунослик, тасаввуф, фикҳ, ислом маърифати, таъвил, ислом илми, араб тили, методология.

**Abstract.** This article provides a comprehensive analysis of the rich legacy of Hakim Tirmidhi, a great scholar of Islamic sciences, focusing particularly on his invaluable contributions to the interpretation of the Qur'an and Hadith. Recognized as an integral part of Islamic intellectual heritage, Hakim Tirmidhi's works in tafsir (exegesis) and ta'wil (esoteric interpretation) serve as essential resources for a deeper understanding of Qur'anic verses and Hadiths. The article examines his contributions in the field of lexicography, highlighting the significance of his linguistic analyses in Qur'anic exegesis and his explanations pertaining to the Arabic language.

Furthermore, the article pays special attention to his contributions in the fields of Sufism and Islamic jurisprudence (fiqh). Tirmidhi's Sufi perspectives offer valuable insights into Islamic spirituality and moral education. His role in shaping Islamic sciences, the relevance of his works to contemporary Islamic studies, his methodological approaches, and his positive influence on preserving Islamic traditions are analyzed. The article aims to deepen the understanding of Tirmidhi's contributions to enriching religious knowledge, transmitting it to new generations, and his significant role in Islamic culture and education.

Additionally, the linguistic methods in his interpretations, their importance in elucidating the literal and jurisprudential meanings of words, and his role in preserving the cultural and spiritual values of the Arabic language are thoroughly examined. The article also explores his methodological approaches in his works, his contributions to the development of Islamic sciences and Sufism, and their relevance to modern Islamic scholarship.

**Keywords:** Hakim Tirmidhi, Qur'anic exegesis, Hadith interpretation, Islamic sources, lexicography, Sufism, fiqh, Islamic knowledge, ta'wil, Islamic sciences, Arabic language, methodology.

**Аннотация.** Данная статья представляет всесторонний анализ бесценного вклада великого ученого исламских наук Хакима Тирмизи, особенно в области толкования Корана и хадисов. Труды Хакима Тирмизи признаны неотъемлемой частью исламского культурного наследия, и его труды, посвященные тафсиру (толкованию) и та'вилю (аллегорическому толкованию), являются важными источниками для более глубокого понимания аятов Корана и хадисов. В статье также рассматриваются его достижения в области лексикологии, значение его лингвистических анализов для толкования Корана и его комментариев, связанные с арабским языком.

Кроме того, в статье уделяется особое внимание вкладу Тирмизи в области суфизма и исламской юриспруденции (фикх). Его суфийские взгляды дают ценные сведения о духовности и нравственном воспитании в исламе. В статье анализируется его роль в формировании исламских наук, значимость его трудов для современных исламских исследований, его методологические подходы, а также его положительное влияние на сохранение исламских традиций. Цель статьи — углубить понимание вклада Тирмизи в обогащение религиозных знаний, их передачу новым поколениям, а также его значительную роль в исламской культуре и просвещении.

Кроме того, подробно рассматриваются лингвистические методы в его тафсире, их значение в раскрытии буквальных и юридических значений слов и его роль в сохранении культурных и духовных ценностей арабского языка. В статье также изучаются его методологические подходы, вклад в развитие исламских наук и суфизма, а также их актуальность для современной исламской науки.

**Ключевые слова:** Хаким Тирмизи, толкование Корана, толкование хадисов, исламские источники, лексикология, суфизм, фикх, исламское знание, та'виль, исламские науки, арабский язык, методология.

китоблардан «маҳосин ал-калом» – гўзал ибораларни тўплаш бошлайди (Будувв шаъни Аби Абдиллах, 1965: 15). Бу иборалар тўплами Ҳаким Термизийнинг тил, луғат, адабиёт ва ислом манбаларини тадқиқ этиш соҳаларидаги илк изланишлари бўлган, дейиш мумкин. «Будувв аш-шаън»ни таълиф этиш мобайнида тушлар таъбирига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса рамзий ишоралар ва уларнинг ички маъноларини очиш, рамзларнинг шарҳлари билан шуғулланишдаги ўзига хос илмий ва руҳий-маънавий тажриба бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли, Ҳаким Термизий асарларида айнан ички маъно ва ботиний мазмунни очишга қаратилган ҳаракат ўзининг юксак моқомига етган.

Ҳаким Термизийнинг диний манбалар шарҳига оид асарларини умумлаштирган ҳолда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- Қуръон оятлари тафсири, оятларда келган баъзи жумлалар шарҳи ва Қуръондаги айрим сўзларга ёзилган изоҳлар;

- Ҳадислар шарҳи, улардаги жумла ва сўзларга битилган алоҳида изоҳлар;

- Дин билан боғлиқ атамаларнинг шарҳлари, масалан: фикҳ, рўза, намоз, закот ва х.;

- Тасаввуфда қўлланилувчи атамаларнинг шарҳ ва изоҳлари.

Ҳаким Термизий илмий меросида диний манбаларда учрайдиган бир қанча сўзларнинг шарҳига бағишланган алоҳида асарлар ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида «Таҳсил назоир ал-Қуръон» (تحصيل نظائر القرآن – «Қуръоннинг пурмаъно сўзлари йиғиндиси»), «ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф» (الفروق ومنع الترادف – «Фарқлар ва маънодошликнинг йўқлиги»), «Баён ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуод ва-л-лубб» (بيان الفرق بين الصدر والقلب والنفوس – «Кўкс, юрак, кўнгил ва онг сўзларининг фарқи») асарларини келтириш мумкин. Юқорида келтирилган тасниф бўйича саналса, Ҳаким Термизийга мансуб куйидаги асарлар ислом дини манбалари шарҳига бағишланган дейиш мумкин:

**Тафсир.** Али ибн Усмон Ҳужвирий ўзининг «Кашф ал-маҳжуб» асарида Ҳаким Термизийнинг тафсир ёза бошлагани, аммо ушбу асар муаллиф вафоти туфайли охирига етмай қолгани, шундай бўлса-да, тафсир илм аҳли орасида кенг тарқалиб кетгани ҳақида зикр этган:

«Ва тафрисе ибтидо карда будааст, умри тамоm кардани он наёфт, бадон миқдорки кардааст миёни аҳли олам мунташир аст» – яъни бир тафсир бошлаб қўйган эди, умри тугаб қолгани учун ниҳоясига етмай қолди, аммо бажарилган

миқдордаги тафсир ҳам олам аҳлига ёйилиб кетди (Худжвири, А. ибн Усман, 1926: 178).

Демак, аллома Қуръон тафсирини ҳаётининг охириги палласида ёзишни бошлаган ва якунига етказа олмаган. Ушбу тафсирни кўпчилик тадқиқотчилар шу кунга қадар йўқолган, деб келаётган эди (Ал-Жуюший, М., 1980: 161). Сўнгги йилларда Ўзбекистонлик тадқиқотчи Ж.Чўтматов томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ушбу асар Туркиянинг Бурдур Миллий кутубхонаси фондидан топилди. Тадқиқотчининг тақдим қилган маълумотига кўра, асарда Фотиҳа сураси тўлиғича, Бақара сурасининг эса айрим танланган оятлари тафсир қилинган. Тафсирда бошқа кўплаб масалаларга ҳам тўхталиб, турли саволларга ҳам жавоб қайтарилади. Қўлёманинг биринчи саҳифасида «Китоб фиҳи тафсир сурати-л-Фотиҳа ва оёт мин сурати-л-Бақара ли-ш-шайх ал-имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий», деган ёзув борлиги кайд этилган. Кўчирилган вақти 549/1154 й., ҳажми 134 варақ (Муаллифлар жамоаси, 2018: 138). Ушбу тафсир ҳозирда тадқиқотчилар томонидан катта кизиқиш билан ўрганилмоқда. Хусусан, унинг араб тилидаги матни қўлёмадан табдил қилиниб, нашрга тайёрланган.

Бундан ташқари Ҳаким Термизийнинг кичик масалаларни ўзида жамлаган бир нечта «ал-Масоил» (المسائل – «Масалалар») тўпламлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари Қуръони карим оятлари ва ҳадислардаги айрим сўз ва жумлаларнинг шарҳига бағишланган. Лейпциг кутубхонасида сақланувчи тўпламнинг таркибидаги айрим оятлар ва ҳадислардаги жумлаларнинг шарҳлари қўлёмза ҳолатида сақланар эди. 2020 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг бир гуруҳ тадқиқотчилари илмий изланишлари натижасида ушбу сараланган масалалар илк бор нашр қилинди. Мазкур тўпламдан, жумладан, куйидаги тафсирга оид асарлар жой олган:

«Тафсиру қавлиҳи «Ҳува-л-Аввалу ва-л-Охиру ва-з-Зоҳиру ва-л-Ботину» (تفسير قوله هُوَ الْأَوَّلُ وَالْآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالْبَاطِنُ – «Аллоҳ таолонинг «У Аввалдир ва Охирдир, Зоҳирдир ва Ботиндир», деган гапининг тафсири»). Ушбу жумла Қуръони каримнинг Ҳадид сураси 3-оятида келган бўлиб, Ҳаким Термизий жумлани икки қисмга бўлиб тафсир қилади.

Биринчи қисмда Аллоҳнинг «Аввал ва Охир» эканини баён қилар экан, қисқа ва мазмунан бой жумлалар билан яратилишнинг ибтидосидан тортиб, дунё ҳаётининг интиҳосига қадар воқеаларни санаб чиқади. Аллоҳ ҳеч нарсани



яратмасдан илгари ҳам бор бўлгани ва барча нарса йўқликка юз тутгандан кейин ҳам қолишини назарда тутиб, шу сабабли, «У аввалнинг охири ва охирининг аввалидир», деган хулосани айтади. Яъни, ҳар қандай бошланган иш якунига етгач тугаб, йўқ бўлади ва фақат Аллоҳ ўзгармасдан мавжуд қолади. Ҳақим Термизий бу изоҳи билан Аллоҳнинг азалийлик ва абадийлик сифатининг узлуксиз эканини баён қилади.

Иккинчи қисмда эса, Ҳақим Термизий «Зоҳир ва Ботин» сифатларини тафсир қилиб, инсонда мавжуд ҳиссий фазилатлар орқали Аллоҳнинг борлигини англаб етишга урғу беради. Аллоҳ имон келтирганларнинг қалбида Ўзига бўлган ишонччи зоҳир қилувчи бўлгани учун «Зоҳир»дир. Қалбдан яширин бўлган жиҳатлари ва «кайфият»сиз экани сабабидан «Ботин»дир. Яъни, Аллоҳга нисбатан «қандай?» сўроғини қўйиб бўлмагани учун «Ботин»лик сифати юзага чиқади.

Ҳақим Термизий Ҳадид сурасида келган ушбу жумлани шарҳлашда бир неча услубларни қўллаган. Бунда луғавий шарҳлар, ақидавий масалаларнинг баёни билан бирга мантикий далилларни ҳам келтириб ўтган. Шунингдек, диний аргументация сифатида бошқа суралардаги шу сўзларни баён қилиб берувчи оятлар, адабий далиллаш учун эса Зуҳайр (520-609) ва Асмай (740-831) каби араб адабиёти вакиллариининг сўзларидан мисоллар келтирган. Қўлёзмада қисқагина жумланинг шарҳига 5 бетдан ортиқ жой ажратилган (60b-63a) (Ҳақим Термизий, 2020: 448-451). Бу эса, Ҳақим Термизий Қуръони каримдаги бир неча сўзнинг тафсирига ҳам ўта хассослик билан ёндошишини кўрсатиб беради.

«Масъала: қола Аллоҳ: «в-Аллоҳу яъламу мутақаллабакум ва масвокум» (مسألة: قال الله: « وَاللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَاكُمْ » – « Аллоҳнинг: «Аллоҳ кезадиган ва борадиган жойларингизни билур», дегани борасидаги масала»). Ҳақим Термизий «мутақаллаб» сўзини шариат арконларига амал, «масва» – яъни борар жойингиз, деганда бандаларнинг жаннатда ёки дўзахдаги мақомлари, жаннатда бўлса, ундаги даражаларини ҳам билади, деб тафсир қилади. Амал қилувчилар етти синфдан иборат бўлиб, уларнинг даражалари тўққиз синфгача бўлишини баён қилади. Албатта, бу тафсир ишорий тафсир бўлиб, асосий қисми бандаларнинг мақомлари ва даражаларининг баёнига бағишланган. Муаллиф жумланинг тафсирида анъанавий луғавий шарҳларга тўхталмаган. Матн хажми бир бетдан ошиқроқ бўлиб (120a-121a), қалбнинг ҳолатлари шарҳи

билан тугайди (Ҳақим Термизий, 2020: 448-451).

«ал-Амсол мин ал-Китоб ва-с-сунна» (الأمثال من الكتاب والسنة – «Қуръон ва ҳадисда келган масаллар») асари ҳам Қуръон тафсирига оид асарларидан ҳисобланади. Ушбу асарнинг 3та қўлёзма нусхаси бизга маълум. Улар Ас'ад (Авкоф музейи №2032; 174a-231a варақлар, 1118/1706 й. кўчирилган), Жамъия ал-Осиёвия (№1056/I; 1-81 варақлар, XII/XVIII асрда кўчирилган қўлёзма «ал-Амсол ли аҳл ал-ҳақоик» номи билан сақланмоқда) ва Париж миллий кутубхонасида (№5018; 141-185 варақлар, VIII/XIV асрда кўчирилган) сақланмоқда. Муаллиф ушбу китобида Қуръондан 22та, ҳадислардан 23та ва шайхлар сўзларидан 90га яқин масаллар келтиради. Жумладан, Қуръондан келтирилган баъзи масаллар: Қуръонни инкор этган кофир кимсалар масали; дунёнинг сувга ўхшатилиши; кофирнинг дуоси масали; ўргимчак масали; Таврот нозил қилинган ва уни кўтара олмаган кимсалар масали. Ҳадисдан келтирилган баъзи масаллар: Қуръон тиловат қилувчининг масали; кимор ўйновчининг масали; мўминнинг асаларига ўхшатилиши; тижоратчи масали ва бошқа масаллар. Шундан сўнг муаллиф тасаввуф шайхларининг масал тарикасида Қуръон, сунна ва тажрибадан келиб чиқиб айтган сўзларини келтиради. Китобнинг ушбу қисмида Ҳақим Термизий ўзига хос тарзда, бошқа мутасаввифлардан фарқ қилувчи қарашлари билан кўплаб тасаввуфий тушунчаларни шарҳлаб, уларнинг маъноларини очиқ беради ҳамда сўзлардан кўзланган асл мақсадларни кўрсатиб ўтади (Усмонов, И., 2009: 147). Ушбу асарни илк бора Али Мухаммад Бажовий тадқиқ қилиб, 1975-йилда Қоҳирада нашр эттирган (Ҳақим Термизий, 1975: 404).

Ҳақим Термизийнинг ҳадислар шарҳига оид фундаментал асарларидан ҳисобланувчи ва ўз даври учун ноёб феномен бўлган «Наводир ал-усул» асарини қайд этиш лозим. «Наводир ал-усул»да (نوادير الأصول – «Камёб усуллар») ҳадисларнинг мавзулар бўйича, яъни «мусаннаф» (мавзулар бўйича таснифланган) услубида тўплангани аҳамиятлидир. Бу услуб аллома ҳаётлик чоғида истемолга кириб келаётган бўлиб, ҳадис тўпламларида ушбу услубни илк бора қўллаган муҳаддис Имом Бухорий ҳисобланади.

Иккинчи хусусият шундан иборатки, одатда ҳадис тўпламлари тўпловчи томонидан эмас, балки алоҳида шарҳловчилар томонидан шарҳланган. Муҳаддислар эса, қисқа изоҳлар билан чекланишган. «Наводир ал-усул»да эса, Ҳақим Термизий келтирилган ҳадисларни шахсан

ўзи батафсил шарҳлаган. Бундай ҳолат у даврдаги бошқа мусаннифларда учрамаслигини қайд этиш лозим. Шунингдек, «Наводир ал-усул»да юзлаб оятларнинг тафсири ва тафсир сифатида келтирилган ҳадислар ўрин олган. Оят ва ҳадислардаги сўзларга турли хил услубларда – луғавий, ақлий-мантикий, ишорий ҳамда бошқа оят ва ҳадисларда келган маълумотлар орқали батафсил шарҳлар келтирилган. «Наводиру-л-усул» асари алоҳида тадқиқотларга ҳам асос бўлиб хизмат қилган (Усмонов, И., 2005).

Ҳаким Термизийнинг Қуръондаги айрим атамалар тафсирига бағишланган асари «Таҳсил назоир ал-Қуръон» (تحصيل نظائر القرآن – «Қуръоннинг пурмаъно сўзлари йиғиндиси»), деб номланади. Замонавий исломшунослик нуқтаи назаридан қаралса, Ҳаким Термизийнинг «Таҳсил назоир ал-Қуръон» асари тафсир-таъвил услубларига ва асосларини барпо қилувчи асар сифатида талқин ҳамда тадқиқ қилиниши мумкин. Қуръондаги айрим сўзларнинг шарҳига бағишланган ушбу асарда жами саксон битта (81) сўзнинг қайси ўринда қандай маънода келгани батафсил ёритилган (Ҳаким, Термизий, 1969). Мазкур асар Искандария кутубхонасида сақланаётган хижрий 593/1196 милодий йилда кўчирилган №3585/II ракамдаги ягона қўлёзма асосида Хусний Зайдон томонидан нашрга тайёрланган ва 1969 йилда чоп эттирилган (Усмонов, И., 2009:147). Ҳаким Термизий шарҳлаш учун танлаб олган сўзлар «назоир» ўларок шарҳланган. Ушбу тадқиқотнинг мавзуси ҳам мазкур асар доирасидадир.

Ислом дини манбалари Қуръон ва ҳадислар билан чекланиб қолмагани боис, дин билан боғлиқ атамалар ҳам кенг қўламга эга. Тасаввуф, ахлоқ, ислом фалсафаси, улум ал-Қуръон ва улум ал-ҳадис соҳасига оид атамалар, грамматика, тилшунослик, луғат ва сўзларнинг этимологиясига оид билимлар барчаси тафсир соҳасига хизмат қилади. Ҳаким Термизий ушбу соҳаларда ўзига хос назарий ва амалий асосларни ўрнатган.

«ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф» (الفروق) – «Фарқлар ва маънодошликнинг йўқлиги»). Ҳаким Термизийнинг диний матнлар луғатига оид яна бир асари «ал-Фуруқ ва ман‘у-т-тародуф» бўлиб, ушбу китобнинг Париж Миллий кутубхонаси (№5018), Асъад (№1479/II), Аё София (№1975), Ваҳид пошо (№2251), Кўниядаги Мавлоно музейи (№3179) ва Искандария (№3586) кутубхоналари фондларида олтита қўлёзмаси сақланади. Асар тилда ва айни ўринда араб

тилида мутлақ синонимлар мавжуд эмаслигига бағишланган. Мазкур асарда кўринишидан маънодош бўлган бир юз олтмиш тўртта (164) сўзлар таҳлил қилиниб, уларнинг орасидаги нозик фарқлар оят ва ҳадислардан келтирилган мисоллар орқали очиб беришга ҳаракат қилинган. Асарда кўтарилган масала биринчи навбатда тил ва луғатшунослик муаммоларига тегишли бўлса-да, муаллиф бу ўринда соф тилшунослик мезонлари асосида эмас, балки диний-ахлоқий меъёрлар асосида таҳлилий ёндошган. Бу ўринда сифат ва ҳаракатлар эгасининг уларни қайси ниятда бажариши ҳал қилувчи ўрин тутаети. Масалан «мудārā» билан «мудāхана» сўзлари иккиси ҳам луғавий жиҳатдан «мулойимлик» маъносини англатса-да, улардан биринчиси самимий муносабатни, иккинчиси эса тилёғламаликни англатади (Усмонов, И., 2009:163).

«ал-Жумал ал-лозим маърифатуҳо» (الجمال اللّازم معرفتها – «Англаниши лозим жумлалар»). Ушбу асарнинг хозирга қадар иккита (2та) қўлёзмаси топилган бўлиб, улардан бири Париж Миллий кутубхонаси фондида №5018/IV (53-54 варақлар) рақами остида сақланади. Қўлёзма VIII/XIV асрда кўчирилган. Иккинчи қўлёзма Манчестер қўлёзмалар фондида №399 (70-73 варақлар) остида сақланади. Ушбу рисоланинг ҳажми кичик бўлиб, 4 бетдан иборат (Усмонов, И., 2009:147). Ушбу асар қўлёзма ҳолатида бўлиб, бугунги кунга қадар нашр қилинмаган.

«Масъала фи-л-фарқ байна-л-илм ва-л-фикҳ» (مسألة في الفرق بين العلم والفقه – «Илм ва фикҳнинг фарқи борасидаги масъала»). Ушбу мўъжаз асарда Ҳаким Термизий илм ва фикҳ истилоҳларига таъриф беради. Асосий очиб бериладиган муаммо – нима сабабдан Аллоҳ «олим» дейилиши мумкин, аммо фақиҳ дейилмаслигидир. Алломанинг таъкидлашича, илм бу нарсаларнинг туб моҳиятини бевосита билишдир. Фикҳ эса, нарсаларнинг моҳиятини далиллар орқали англаб етишдир. Бунга мисол сифатида яратикларнинг мавжудлиги яратувчининг борлигига далолат қилгани, дунёнинг мавжудлиги охиратнинг борлигига далолат қилишини мисол тариқасида келтирилади. Аллоҳ эса нарсаларнинг моҳиятини билиш учун далилларга таянишга муҳтож эмас. У барча нарса, воқеа-ҳодисларни бориша, воситасиз билади. Шунинг учун ҳам Аллоҳни олим – билувчи дейиш мумкин, аммо фақиҳ дейилмайди. Шунингдек, Аллоҳга ҳикмат сифати ҳам нисбат берилиши мумкин (Ҳаким Термизий, 2020:454-455).

«Баён ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуод ва-л-лубб» (بيان الفرق بين الصدر والقلب والفؤاد – «Кўкс, юрак, кўнгил ва онг сўзларининг фарқи»). Ҳақим Термизийнинг диний матнлар луғатига тегишли навбатдаги асари «Баён ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуод ва-л-лубб», деб номланган. Ушбу асарни дастлаб америкалик тадқиқотчи Николас Ҳир нашрга тайёрлаган ва 1958 йилда Қоҳирада чоп эттирган. Замонавий нашр Қоҳиранинг «Дору-л-кутуб» кутубхонасида сақланаётган №345/1 рақамли ягона кўлзма асосида тайёрланган (Ҳақим Термизий, 2020:454-455).

### МУҲОКАМА

Асарнинг интернет учун мўлжалланган шакли ҳам бор бўлиб, уни иорданиялик Юсуф Валид Маръий асл матнга қиёслаб тайёрлаган ва ушбу нашрда Н.Ҳир тадқиқотидан ҳам фойдаланганини айтиб ўтган. Ушбу асар саккизта (8) фаслдан иборат бўлиб, унда «садр» – инсон кўкси, «қалб» – юрак, «фуад» – кўнгил ва «лубб» – онг сўзларининг фарқи ҳақида фикр юритилган. Аммо бу ўринда ҳам масалага соф тилшунослик эмас, балки Н.Ҳир таърифи билан айтганда, «тасаввуф психологияси» нуқтаи назаридан ёндошилган. Бунга кўра, «садр» – ислом нурининг ўрни бўлиб, банданинг муслим мақомига оид ва шариат илмига далолат қилади; «қалб» – имон нурининг ўрни бўлиб, банданинг мўмин мақомига оид ва у ботин илмига далолат қилади; «фуад» – маърифат нурининг ўрни бўлиб, банданинг ориф мақомига ва рўё (туш)га, «лубб» эса банданинг «муваҳҳид» (яккахудоликка эътикод қилувчи шахс) мақомига тегишли бўлиб, у Аллоҳнинг бандага марҳамати ва яхшилик ирода қилганига далолат қилади.

Шунингдек, ҳадисларнинг ички-яширин маъноларини очиб беришда аллома садр (кўкрак) ва қалб унсурларига ҳам кўп ўринда мурожаат қилади. Қуйидаги қудсий ҳадис талқинида ҳам Ҳақим Термизий яширин маъноларни очиб беришга ҳаракат қилади. Масалан: «Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ Таоло деди: Мен бандамнинг ўйларидаман, Мен ҳақимда ўзи хоҳлаганча гумон қилсин». Аллома ушбу ҳадис талқинида: «Гумон садрда (инсон кўкси, кўкрак) иккиланиб турадиган нарса, у нафсининг безовталанишидан пайдо бўлади. Аллоҳ таоло мўмин банданинг қалбига тавҳид нурини беради, кўксига ҳам нур беради. Мўминнинг кўксига (садрга) берилган

бу нур унинг қалбидаги тавҳид нурини ҳимоялаш учун қалбини ўраб олади. Агарда нафс безовта бўла бошласа, садр (кўкрак)даги нур ёришади, нафс тинчланади, қалб таскин топади ва гумон яхшиланади. Агарда нафсда шаҳват устун келиб, шаҳват тутуни билан қайнаб ётган бўлса, у садрни қоронғу қилиб қўяди, садр зулматда қолади, нафс ўз безовта ўйлари билан келади ва ҳаяжонланади ҳамда иккиланади, мана шу банданинг Аллоҳ ҳақида ёмон гумонидир», – дейди (Ҳақим Термизий, 2020:233).

«Баён ал-фарқ» асари бошида анъанага кўра қисқача кириш қилинади:

«Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ат-Термизий деди: «Ундан сўнг, чиндан ҳам, айрим илм ва фикр аҳллари мендан «садр» (кўкс), «қалб» (юрак), «фуад» (кўнгил) ва «лубб» (онг) сўзларининг фарқи ва уларнинг кетидан юрак пардаси ҳамда илм ўринларининг баёнини сўрадилар. Шуларни Аллоҳ таолонинг тавфиқи ила шарҳлаб беришни маъқул топдим. Зеро, У ҳар қандай қийинни осон қилувчидир ва Ундан мадад тилайман» (Ҳақим Термизий, 2009:3).

Муқаддимадан маълум бўладики, ушбу асар Ҳақим Термизийга мазкур сўзларни шарҳлаб беришни сўраб, мурожаат қилганларга жавобан таълиф қилинган. Шундан кейин биринчи фаслга ўтилади ва у «қалб» сўзининг шарҳи бошланади. «Қалб» сўзига қисқа луғавий шарҳ берилгач, у «айн» (кўз) сўзи билан қиёсланиб, «дār» (ҳовли), «ҳарам» (Кўрик Масжид), «қандйл», «лавз» (ёнғок) каби бир қатор сўзларга таъриф берилган. Бундан кўринадики, асар тўртта сўзнинг ички ва ташқи, аниқ ва кўчма маъноларига бағишланган бўлса-да, аслида ундан бошқа кўп сўзлар ҳам муҳокама қилинган. Мавзуга дахлдор сўзларнинг шарҳида Қуръон оятлари ва ҳадисларга таянилган.

Ю.Маръий Н.Ҳирнинг асар борасидаги фикрларини келтирар экан, америкалик тадқиқотчи унинг Ҳақим Термизийга тегишли эканига шубҳа билдирганини айтиб ўтган. Н.Ҳирнинг шубҳалари учта асосга таянади:

1) инсон руҳиятини тўрт мақомга бўлиш Ҳақим Термизийнинг бошқа асарларида учрамайди;

2) асар саж‘ услубида, яъни қофияли насрда ёзилган. Бундай услуб ҳам Ҳақим Термизийнинг бошқа асарларида кузатилмаган;

3) ҳозирда асарнинг ягона кўлзмаси мавжуд бўлиб, уни қиёслаб кўриш учун бошқа бирор манба маълум эмас. Бундан ташқари, Н.Ҳир ушбу асарни Абул Ҳусайн Нурийга тегишли асарлардан бири бўлиши мумкин, деган фикрни ҳам илгари сурган (Ҳақим Термизий, 2009: 3).



## НАТИЖА

Н.Хирнинг юқорида келтирилган фикрлари бир қадар мунозарали эканини таъкидлаб ўтиш жоиз. Аввало, мисрлик олим Абдулфаттоҳ Бараканинг қайд этишича, Ҳақим Термизийнинг тўрт юздан (400) ортиқ турли ҳажмдаги асарларидан фақат олтмишга (60) яқини бизнинг кунимизгача етиб келган. Шунинг учун инсон руҳияти мақомлари ҳақидаги фикрлар Ҳақим Термизийнинг бошқа асарларида учрайдими ёки йўқлиги жуда мавҳум. Услуб борасидаги гапларга ҳам айни эътирозни билдириш мумкин, чунки услубни муқояса қилиш учун Ҳақим Термизийнинг тўлиқ асарлари тўплами мавжуд эмас. Тўрт юзта асардан бизга етиб келган саксонтаси ичида қофияли насрда ёзилгани битта бўлиши мумкин. Етиб келмаган ёки ҳозирда маълум бўлмаганлари учун бирор қатъий гап айтиш қийин.

Қўлёзманинг ягона нусхада экани ҳам бирор нарсани ойдинлатмайди. Бунинг устига «ягона нусхалик» муаммоси ҳам вақт ўтишига боғлиқ масала. Ҳозирда Ҳақим Термизийнинг шу пайтга қадар йўқолган деб ҳисобланиб келган «Тафсир»и ҳам топилгани эълон қилинди. Шунинг учун ҳар қандай асар қўлёзмасининг у ёки бу нусхаси топилиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Асарнинг Абул Ҳусайн Нурийга тегишли, деган фикрга келганда масала янада чигаллашади. Чунки, асарда баён қилинган айрим ақидавий истилоҳлар, хусусан, имоннинг кўпайиб-озаймаслиги ҳақидаги қатъий ёндошув муаллифнинг Абу Ҳанифа издошларидан бири бўлганини кўрсатади. Абул Ҳусайн Нурий эса шофей мазҳабида бўлгани маълум. Н.Хир бу каби ақидавий жиҳатларга кўп ҳам эътибор бермай, ташқи ўхшашликларни эътиборга олган, дейиш мумкин.

Тадқиқотлар натижасида чиндан ҳам Абул Ҳусайн Нурийнинг руҳият ва хиссиётларга бағишланган «Мақомот ал-қулуб» асари мавжудлиги аниқланди. Бироқ, мазкур асар «Баён ал-фарқ» билан солиштирилганда ҳар икки асар нафақат услуб, балки баёний ва луғат жиҳатидан ҳам ўзаро ўхшаш эмаслиги, муаллифлар мазмунан бир мавзу доирасида баҳс юритса-да, ёндошувларда кескин фарқлар борлиги маълум бўлди. Шу жиҳатдан Ҳақим Термизий асарларининг тадқиқотчилари изланишлар жараёнида нафақат тил ва тасаввуф, балки исломдаги мазҳаб ҳамда ақидавий қарашларнинг ўзига хосликлари, уйғун ва фарқли жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиши

лозим. Юзаки ўхшашликлардан хулоса чиқариш хато фикрларни юзага келтириши ҳамда бу каби чалкашликлар келажакдаги тадқиқотларнинг хулосаларига таъсир қилиши мумкин.

## ХУЛОСА

Юқорида санаб ўтилган асарларнинг барчасида Ҳақим Термизийнинг ислом манбалари шарҳи, Қуръон илмлари, айниқса, оятлар тафсири, ҳадислар шарҳи борасида самарали ижод қилганини кўрсатади. Шунингдек, луғат ва луғатшунослик назарияси, араб тили лексикографияси ривожига қўшган ҳиссасининг қўламини очиб беради. Олимлар томонидан бу борада Ҳақим Термизий қўллаган услублар кўп жиҳатдан ўзига хос бўлиб, ўзидан олдинги ва кейинги муаллифларнинг асарларига катта таъсир кўрсатгани қайд этилган.

Айтиб ўтилганлардан Ҳақим Термизий ўз даврида ислом манбалари шарҳи ва талқини ҳамда тафсир ва таъвил соҳасига салмоқли ҳисса қўшган етук аллома экани маълум бўлади. Унинг асарларидаги сўзлар шаклланган анъанага кўра, ҳам луғавий, ҳам атамавий жиҳатдан шарҳланган. Ушбу услуб кейинги давр олимлари асарларида доминантлик касб этган. Айрим ҳолларда сўзларнинг этимологиясига ҳам эътибор қаратилган. Аксар ҳолларда эса, оят ва ҳадислардан мисол келтириш орқали изоҳланган. Барча асарларда оят ва ҳадислардан кўзланган мақсад, уларда келган сўзларнинг асл моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур асарларни ўрганиш ва тадқиқ этиш ислом манбаларининг, айниқса, Қуръон матнининг тафсири ва талқини илк даврларда қандай амалга оширилганини очиб беришга хизмат қилади. Зеро, Ҳақим Термизий шарҳлари минтақамизда ёзилган асарлар ичида даврий жиҳатдан бирламчилик касб этади. Шу билан бирга, аллома асарларини ўрганиш, тадқиқ этишда уларнинг ҳозирги кундаги аҳамиятини очиб бериш, уларни бугунги кун маънавий эҳтиёжлари билан боғлай олиш каби бир қатор муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда.


## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳақим Термизий. (1965). Будув аш-шаън. Усмон Яхё (Нашр этувчи). Китоб хатм ал-авлиё (С. 28). Байрут: ал-Матбаа ал-католикийя.
2. Муаллифлар жамоаси. (2018). Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги. Тошкент: Фан.

3. Хузайян Р. (1998). Ал-Ҳаким ат-Термизий ва манҳажух ал-ҳадисий фи Наводир ал-усул. Қоҳира: ал-Офок ал-Арабия.
4. Худжвири, Али ибн Усман. (1926). Раскрытие скрытого за завесой (Кяшф аль-махджуб). Критический текст. Жуковский В. Ленинград: Государственная академическая типография.
5. Жуюший. (1980). Ҳаким Термизий Муҳаммад ибн Али – диросатун ли-осориҳи ва афкориҳи. Қоҳира: Дору-н-наҳзати-л-арабийя.
6. Ҳаким Термизий. (2020). Наводир ал-усул. Илмий-танқидий матн. Тошкент: ЎзХИА. Т. 4.
7. Усмонов И. (2009). Наводир ал-усул ҳикматлари. Тошкент: Фан.
8. Ҳаким Термизий. (1975). Ал-Амсол мин ал-Китоб вас-сунна. Қоҳира: Дор ан-наҳза би-Миср ли-т-табъ ва-н-нашр.
9. Усмонов И. (2005). Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари ҳадис ва тасаввуфга оид муҳим манба. Тар. фан. номз. дисс. автореф.
10. Ҳаким Термизий. (1969). Таҳсил назоири-л-Қуръон. Нашрга тайёрловчи Ҳусний Зайдон. Қоҳира: Матбаату-с-саода.
11. Ҳаким Термизий. (2009). Баён ал-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуод ва-л-лубб. Нашрга тайёрловчи Юсуф Валид Маръий. Аммон: Муассасату Оли-л-байт ли-л-фикр ал-исломий.
12. Юсуф Валид Маръий. (2009). Аммон: Муассасату Оли-л-байт ли-л-фикр ал-исломий.
8. al-Hakim al-Tirmidhi. (1975). Al-Amthal min al-Kitab wa-as-Sunnah. Cairo: Dar an-Nahda bi-Misr li-taba' wa-n-nashr.
9. Usmonov, I. (2005). Al-Hakim at-Termiziyning "Nawadir al-Usul" asari hadis va tasavvufga oid muhim manba. PhD dissertation abstract.
10. al-Hakim al-Tirmidhi. (1969). Tahsil Nazair al-Qur'an. Edited by Husni Zaydan. Cairo: Matba'at as-Saada.
11. al-Hakim al-Tirmidhi. (2009). Bayan al-Farq Bayn as-Sadr wa-l-Qalb wa-l-Fu'ad wa-l-Lubb. Edited by Yusuf Walid
12. Mar'i. Amman: Mu'assasat Ahl al-Bayt li-l-Fikr al-Islami. Mar'i, Yusuf Walid. (2009). Amman: Mu'assasat Ahl al-Bayt li-l-Fikr al-Islami.

#### REFERENCES

1. al-Hakim al-Tirmidhi. (1965). Buduw ash-Sha'n. In Kitab Khatm al-Awliya (Usman Yahya, Ed.), p. 28. Beirut: al-Matbaa al-Katolikiyya.
2. Team of authors. (2018). Termizlik olimlar asarlarining jahon fondlaridagi qo'lyozmalari katalogi. Tashkent: Fan.
3. Huzaiyyan, R. (1998). Al-Hakim at-Termiziy wa Manhajuhu al-Hadisi fi Nawadir al-Usul. Cairo: al-Afaq al-Arabiya.
4. al-Khujwiri, Ali ibn Usman. (1926). Revealing the Hidden Behind the Veil (Kashf al-Mahjub). Critical text by V. Zhukovsky. Leningrad: State Academic Printing House.
5. Juyushi. (1980). Hakim Tirmidhi Muhammad ibn Ali – Study of His Works and Thoughts. Cairo: Dar an-Nahdhat al-Arabiyya.
6. al-Hakim al-Tirmidhi. (2020). Nawadir al-Usul. Scholarly-critical text. Tashkent: O'zbekiston International Islamic Academy. Vol. 4.
7. Usmonov, I. (2009). Nawadir al-Usul hikmatlari. Tashkent: Fan.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# МОТУРИДИЙЛИК



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Бунортма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.






# IMOM MOTURIDIY


XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI


INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER


المركز الدولي للبحوث العلمية


Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

 [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

 +998971 244-35-36

 [www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

   @moturidiyuz

 [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)